

## ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР ҚАРОВСИЗЛИГИ МАСАЛАСИДА БОЛАЛАР КОМИССИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИ

**Фарход Абдираимович Усманов**

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти, “Тарих” кафедраси  
докторанти

[farhod.usmanov.1988@mail.ru](mailto:farhod.usmanov.1988@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

Мақолада ўтган асрнинг 20-30 йилларда Ўзбекистон ҳудудида турли омиллар сабаб қаровсиз болалар сони ошиб кетиши ва болалар қаровсизлигини бартараф этиш чора-тадбирлари, болалар ҳуқуқини муҳофаза қилиш мақсадида ташкил этилган болалар комиссиялари фаолияти, камчилик ҳамда муаммолар, болалар билан ишлаш тизими архив материаллари асосида ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** марказий болалар комиссияси, қаровсиз бола, болалар инспекцияси, меҳрибонлик уйи, тарбияланувчи.

### КИРИШ

Советлар томонидан ҳокимиятнинг эгалланиши, ўз навбатида бутун мамлакатга ўзининг турли даражадаги таъсирини кўрсатди. Турли тарихий омиллар сабаб мамлакат бўйлаб катта кўринишда болалар қаровсизлиги шаклланган бўлиб, у ўзининг ижтимоий хавфини кун сайин йирик кўринишда намоён этиб бориши оқибатида, миллат ва жамият учун хавфни бартараф этиш мақсадида турли амалий ишлар қилинган.

Жумладан, болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва уларни ижтимоий қўллаб қувватлаш мақсадида турли комиссиялар ташкил этилиб фаолияти йўлга қўйилган. Аммо уларга Марказ томонидан моддий ва маънавий қўллаб қувватлашнинг етарли даражада ташкил этилмаганлиги сабабли кўплаб муаммолар пайдо бўлишига сабабчи бўлиб ҳам қолди.

Шу ўринда Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг “Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз.

Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч

қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз” –деган фикрларининг ўзи бугунги кунда мазкур масалага эътибор етарлича амалга оширилмоқда.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Тарихий изланишлар ўзбекистонликларнинг кўплаб соҳалардаги фидокорлик, жонкуярлик хусусиятлари намоён бўлмоқда. Жумладан, ўзбекистонликларнинг тарихда мавжуд болалар қаровсизлигини бартараф этишдаги саъй ҳаракатлари алоҳида аҳамиятга эга фидокорлик дейиш мумкин. Совет ҳокимияти даврида мамлакатда олиб борилган бошқарувнинг ёвуз кўриниши амалда аҳолининг жабр ситам ичида ҳаёт кечиришига мажбурлади. Хусусан болалар ҳаётини яхшилаш борасидаги ҳаракатлар деярли ачинарли бўлган. Болалар ҳаётини яхшилаш мақсадида ташкил этилган турли комиссиялар Марказ томонидан қўллаб қувватланмаганлиги ва моддий асосга эга эмаслиги сабабли самарали фаолият олиб бора олмаган.

Совет даври тарихчилари илмий монографиялари [2], [3], асарлари ва эсдаликлари [4], [5] маълумотлари билан таҳлилий ўрганилди.

Шунингдек, мавзу манбаси сифатида Ўзбекистон Миллий Архиви (ЎзМА) фондларидан фойдаланилди [6], [7], [8].

## НАТИЖАЛАР

Россиядаги XX аср бошларидаги иқтисодий, сиёсий ўзгаришлар аҳоли қатламига ўзининг катта таъсирини ўтказиб, болалар ҳаёти оғирлашишини таъминлади. Сабаби турли иқтисодий, сиёсий, ижтимоий муаммолар кўпайиб бориши билан оилалар пароканда бўлиши, оилаларнинг болаларини боқа олмай қолиши ва ҳоказо сабаблар билан болалар қаровсиз ҳолга ташлаб қўйилиб, ўзининг ҳаётини кўчада давом эттиришига олиб келди. Бу эса ўз навбатида болаларнинг қаровсизлигини кун сайин ошириб, улар ўртасида жиноятчиликни ҳам ошириб борди.

Болалар қаровсизлиги бутун Россияни қамраб бориши билан Ўзбекистонга ҳам катта оқим билан кириб келди. Бундай таҳликали вазиятда болалар қаровсизлигига қарши курашиш давлат томонидан амалга оширилиши замон талаби бўлган. Шу нуқтаи назардан, Ленин бошчилигидаги ҳокимият турли чоралар кўришга мажбур бўлди. Давлат сиёсатида мазкур масала билан

асосан Маориф Халқ Комиссарлиги (ХК) машғул бўлиши белгиланган. Шунингдек, бу муаммо ечимида 1918 йилда ташкил этилган “Балоғат ёшига етмаган болаларни ҳимоя қилиш комиссияси” зиммасига масъулият юкланган.[9]

Мазкур комиссия 1918 йилда ташкил топган бўлсада, РСФСР Адлия ХК томонидан балоғат ёшига етмаган болаларни ҳам жиноий жавобгарликка тортиш ва озодликдан маҳрум қилиш бўйича рухсат берганлиги сабаб фаолияти жуда суст давом эттирилди. Натижада 1920 йилга келиб “Болалар милицияси” ташкил этилди. Аммо “Болалар милицияси” ҳам ўзини оқламади. 1921 йилдан эса Бутунроссия Марказий Ижро Қўмитаси (МИҚ) қошида “Болалар ҳаётини яхшилаш комиссияси” ташкил этилди.[10]

Бу комиссиянинг Туркистонда фаолияти бўйича тўхталадиган бўлсак, Волгабўйи минтақаларида очарчилик вакилларининг кўчирилишини назорат қилиш ва ташкиллаштириш мақсадида 1921 йил октябр Волгабўйидан очарчилик аҳолиси жумладан болалар оқимининг кириб келиши энг кучайган вақтда Болалар комиссияси 3 кишилик вакилдан иборат тартибда Туркистонда Очларга ёрдам комиссияси таркибида ташкил этилган. 1922 йил апрелда Волгабўйидан болаларнинг келиши тугаши билан Комиссия ўз фаолияти тўхтатиб, функционал вазифалари Маориф ХКга ўтказилган ва бу ўз навбатида худди кераксиз ташкилот сифатида мавжуд бўлган. Комиссиянинг ички муаммолари ҳам кўпайиб 1922 йил сентябрда аъзолар Туркистон МИҚга Комиссия муваффақиятсизлиги асосий сабаби раис Кадушкин билан боғлиқлигини маълум қилишган. Мурожаатлар ўрганилиб, 05.10.1922 йил ТурМИҚ қарорига кўра Болалар комиссияси Очларга ёрдам Марказий Комиссиясига топширилган ва Эвакуация маркази раҳбари Сушко комиссия раиси этиб тайинланган. 10.10.1922 йил мазкур комиссия РСФСРда “ТурМИҚ болалар ҳаётини яхшилаш комиссияси” номини олди. Шу вақт оралиғида Комиссия МИҚ ва ХКСдан бир тийин ҳам олмасдан, маблағ топиш ва имкон яратишни асосий фаолиятига айлантиришга мажбур бўлган.[11]

Шундан сўнг комиссия фаолиятида бир қанча муваффақиятлар даври бошланган. 1922-1923 йил қиш мавсумида комиссия асосий ёрдамини Фарғона водийсига қаратган. Шу даврда 5 360 червон рубл пул, 20 608 аршин мануфактура, 4 225 кийим бош, 1 631 жуфт оёқ кийим тақдим этган. 1923 йил майдан октябргача муддатда эса асосий фаолияти Волгабўйи ва Қирғизистон оч болаларини ватанига қайтариш бўлди. Ватанига юбориш тўлиқ марказий

комиссия ҳисобидан қопланган бўлиб, жўнатишда уларга кийим бош, билет, нарса-буюм, 2-3 ҳафталик озиқ-овқат, тиббий воситалар, кузатувчи шифокор кабилар билан таъминланган. Умумий шу вақт оралиғида 3 200 бола Ватанига қайтарилиб, қолган болаларнинг ота-онаси билан алоқа қилиш имкони йўқлиги, чин етим эканлиги ва манзили номаълумлиги каби сабаблар билан юборилиши 1924 йилга қолдирилган. Улар сони тахминан 6 000 нафардан ортиқ бўлган. Август ойига келиб Марказий комиссиянинг вилоят, уездларда ташкилотлари тузилиб, МБК фаолияти кенгайтирилган.[12]

Туркистонининг туб аҳолиси ўртасида ҳам очарчилик ҳолатлари шаклланган бўлиб, бунга турли минтақадаги ʻурли омиллар сабаб сифатида кўрсатилган. Туркистоннинг тоғли ўлкаларида қурғоқчилик келиши туфайли 11 000 га яқин, Еттисувда 1916-1917 йиллар Туркистондаги оғир очарчилик туфайли оддий деҳқон аҳоли очарчиликдан қочиб, Хитойга кетиб қолган ва кейин камбағал, яланғоч, ҳеч қандай мулксиз ҳамда ҳеч қандай яшаш воситасисиз ўз она Ватанига қайтган тахминан 70 000 киши кўринишида очарчилик вакиллари шаклланган.

Сирдарё вилоятида қурғоқчилик туфайли ва қўшимчасига Волгабўйи ва Қирғиз Республикасининг шимолий уездлари Перовский ва Казалинский худудларидан очарчилик вакиллари оқимининг кириб келиши билан кўпайиб кетган. Самарқандда – 30 168, Фарғонада – 379 500 маҳаллий аҳоли вакиллари ва очарчилик худудларидан келтирилган фуқаролик уруши қурбони сифатида мавжуд бўлган.

Мисол учун Қўқон уезди Ариванская қишлоғи 1922 йил баҳорда 18 000 кишидан 12 000 аҳоли қирилиб кетган. 01.05.1923 йил санасида Волгабўйидан келган 23 000 кишидан чин етим ва ярим етим Волгабўйи болалари 12 000 нафарни ташкил қилган. Умумий ҳисобда 525 668 киши очлиги мавжуд бўлиб, улардан 42 000 киши Очарчиликка ёрдам Комиссияси, 8 000 нафари Маориф ХК қарамоғига олинган. Очларга ёрдам умуман имкониятсиз қолган. Туркман вилоятида 11 000, Самарқандда 30 168, Еттисувда 6 000 келтирилиб, 64 000 киши ёрдам берилишини кутиб турган.[13]

1923 йил якуни бўйича ТМИҚ қошидаги болалар ҳаётини яхшилаш комиссияси йиғилиши А.С.Сушко берган маълумотга кўра Тошкент шаҳрида 760 нафар қаровсиз болалар рўйхати шакллантирилиб, 150 нафар бола 2 та вагонда Ватанига қайтариб юборилган. 500 га яқин бола интернатларга

жойлаштирилиб, “Ташса” ва “Красная заря” фабрикаларида 400 кишига қабулхона ташкил этилган.[14]

1924 йил маълумотида кўра мамлакат бўйлаб болалар қаровсизлиги масаласи жуда ачинарли ҳолатга келиб қолган бўлиб, деярли умуман мактабгача тарбия мавжуд эмас. Ишчи ва хизматчилар куни бўйи ишда, уй бекалари уй ишлари билан банд; болалар ҳеч қандай қарови йўқ, куни бўйи кўчада санғиб, кўча ахлоқсиз ишлари билан шуғулланади. Ўсмирлар кичик болаларни сўроқ савол қилмай, ҳамма безътибор ҳаракатланади болаларнинг соғлиғи, тарбияси билан деярли ҳеч кимнинг иши йўқ ҳолатда бўлган. [15]

Марказий болалар комиссиясининг олиб борган шунча саъй ҳаракатига қарамасдан болалар қаровсизлиги масаласи кўплаб камчиликларини очиб берган. Жумладан, кўпчилик интернатлар ачинарли таъминотда, болалар полда думалаб ётиб, ифлос кийимда, бинолар таъмир талаб ҳолга келиб қолган, иссиқлик йўқ, барча ўлкалар бўйлаб болалар қаровсизлиги кўпайиб, болалар жиноятчилиги ва фоҳишабозлиги ачинарли рақамларни тақдим қилган. Мазкур давр Марказ мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун керак бўладиган маблағни таъминлаб бера олмаган.[16]

Вояга етмаган ишлари бўйича комиссия 1924 йил февралда мажбурий тартибда қаровсизларни йиғиш ва муассасаларга жойлаштириш бўйича эсда қоларли муваффақиятга эришган бўлсада, мазкур болаларни қабул қилиб олган муассасалар 4 дан 3 қисм мол мулки мазкур болалар томонидан ўғирланиб бозорларда сотиб юборилишига эришилган. Бу болалардан 18 нафари йирик, эски ва янги жиноятлари учун Жиноятқидирувга берилган, 10 нафари Мудофаа бўлимига 18-19 ёшдан кичик бўлмаган чақирувдагилар ҳарбий хизмат учун топширилган. Ўғирланган кийим кечак, ёқилган ва бузилган жиҳозлар, синган ойналар (қўлга олинган қаршилик кўрсатган) жойи қопланиши бўйича ишлар қилинган. Охирги тўрт ойлик даврда Тошкент шаҳрининг ўзида 400 нафар қаровсиз болалар қўлга олиниб, улардан 100 таси ватанига қайтариб юборилган.[17]

20.12.1926 йил ЎзССР МИҚ Президиуми маълумотларига кўра Болалар комиссияси қарамоғида 1080 нафар бола мавжуд бўлиб, уларга йиллик ҳаражати 468 697 рубл ЎзССР Маориф ХК ва унинг маҳаллий бўлимларида 5 682 бола, уларга йиллик ҳаражат 2 038 527 рубл давлат бюджети қарамоғидаги болалар сони 100, уларга йиллик ҳаражат 71 386 рубл давлат ва маҳаллий бюджетларда умумий ҳисобда 6 862 нафар бола бор, уларга йиллик

ҳаражат 2 578 610 рубл 1925/26 бюджет йилида давлат бюджетидаги мавжуд болаларнинг 500 нафарини маҳаллий бюджетга топширган бўлса, 1926/27 бюджет йилида барча болаларни маҳаллий бюджет ҳисобига ўтказиб юборган. Болалар комиссияларининг асосий даромади КАЗИНО лар бўлиб, кутилган ҳаражатларни қоплаш имконини бермаган.

Кўчадаги қаровсиз болаларни йиғиш ва жойлаштириш ишларига масъул болалар комиссияларида бу ишни амалга ошириш моддий асоси йўқ эди. 16.10.1926 йил ЎзССР МИҚ Президиуми қарорига кўра болалар комиссиялари савдо фаолияти билан шуғулланиб даромад олиши учун 50 000 рубл кредит ажратиш белгиланган ва Болалар комиссияси мазкур кредит билан таъминланиши учун СССР МИҚ қарорига асосан СССР МИҚ захира фондидан 200 000 рубл олиш ҳуқуқига эга бўлган.[18] Аммо натижа кутилгандек бўлмаган.

СССР МИҚ ва Ленин фонди келишувига кўра 4 000 кўчада қаровсиз бор ЎзССР га 942 936 рубл маблағдан атиги 20 000 рубл ажратган. 4 000 қаровсизга ҳисоб-китобга кўра 1 702 172 рубл талаб қилинган.

СССР МИҚнинг 13.08.1926 йилдаги № 56 сонли баёни қарорига кўра болалар қаровсизлигига қарши курашиш эҳтиёжлари учун портер (ўткир қора) ва эль (инглиз пивоси)нинг олиб кирилган юз килограмм ундириб тикилган буғдойга 7-35 рубл миқдорида акциз солиғи болалар қаровсизлиги эҳтиёжи учун мўлжаллаб жорий қилинган. Ҳар бир ўйин картаси дастаси савдосига 20-25 копейка қўшимча йиғим жорий қилинган.

Давлат солиғининг фойдадан ортиғининг 50 % гача қисми болалар қаровсизлигига қарши курашишга йўналтирилган. Бу пулларнинг ҳаммаси СССР МИҚ қошидаги Ленин фондига бориб тушган. ЎзССР Молия ХК маълумотларига кўра агар йиғим 50 % миқдорда йиғилса тахминан 200 000 рубл ни ташкил этар эди.[19]

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки болалар уйларидаги ва кўчадаги умумий қаровсиз болаларнинг 80 % қисми маҳаллий бўлмаган кўпчилиги европа иттифоқдош давлатлари болалари ҳиссасига тўғри келган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ЎзССР МИҚ СССР МИҚ дан 300 000 рубл субсидия ажратилиши бўйича хат юбориб, Қашқадарё вилояти Бекбуди шаҳрида, Сурхондарё вилоятининг Шеробод шаҳрида рус типига ҳар томонлама жавоб берадиган шароитда маҳаллий аҳоли болалари учун ҳар

бирига 100 кишилик болалар уйлари куриш ва бу курилишга 150 000 рубл сарфланиши комиссия томнидан назоратга олинисини маълум қилган.[20]

## МУҲОКАМА

Мавжуд маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, мамлакат болалари ҳаёти учун Ўзбекистонда имкониятлар кенгайиши учун ҳаракатлар қанчалик кўп бўлмасин Марказ буни қўллаб қувватламаган. Бутун мамлакат бўйлаб кенг кулоч ёйган болалар қаровсиги масаласи Ўзбекистон ҳудудида жудаям кенг қўламда намоён бўлган. Ажабланарли жиҳати, доимий мажлис, қарорлар, фармонлар марказида бўлган мазкур масала амалда катта муваффақиятга эриша олмади. Мазкур давр ижтимоий портретини қисман яратиб кўрадиган бўлсак, кўча кўйда, бозорлар, ошхоналар, вокзаллар умуман олганда одамлар гавжум бўлган барча жойларда кўча болаларини тўп тўп бўлиб юрганини кузатиш мумкин эди. Энг ёмон тарафларидан бири мазкур қаровсиз болалар майда безорилик, киссавурлик, талончилик билан шуғулланишни одат қилиб олган эди. Бундай муаммоли вазиятда барча давлат органи вакиллари имконияти доирасида чора-тадбирларни амалга ошира бошлашди. Жумладан, Болалар комиссиялари ҳар томонлама пухта ишланган фаолият билан шуғулланишга зўр берган.

Бу омилнинг ўзи мамлакат эртаси учун қанчалик долзарб муаммо эканлигини намоён қилаётган бўлса ҳам, Марказдан етарли эътибор қаратилмаган. Талаб қилинадиган маблағлар ажратиш ишлари турли йўллар билан пайсалга солиниб, кўп ҳолатларда рад қилинарди. Ваҳоланки ҳаражатсиз ишнинг самарадорлиги яхши бўлмагани сингари, болалар қаровсизлигини бартараф этишда самарадорликка эришиш учун қаровсиз болаларга кўчадаги ҳаётдан яхшироқ ҳаёт тақдим этилиши лозим эди.

Мавжуд архив маълумотларига таянадиган бўлсак, Болалар комиссиялари Ўзбекистон ҳудудида мавжуд болалар муассасаларида, айниқса меҳрибонлик уйларида, кўчаларда мавжуд қаровсиз болалар ҳаётини яхшилаш учун имкон қадар чора-тадбирлар амалга оширишга эришган.

## ХУЛОСА

Мазкур мақолада келтириб ўтилган Болалар комиссиялари фаолияти бўйича умумий хулоса қилиб қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин;

Болалар комиссиялари мавжуд вазиятда зарурат бўлганлиги сабаб ташкил этилган. Болалар қаровсизлигини бартараф этишдаги саъй ҳаракатларнинг натижадорлиги кутилган натижаларни бермаганлигининг сабаби Марказ томонидан қўллаб қувватлаш ва маблағ таъминоти бўлмаганлигидадир. Мавжуд шарт-шароитлар ва имкониятдан келиб чиқиб Болалар комиссияси Ўзбекистонда қўплаб яхши натижаларга ҳам эришган.

## REFERENCES

1. Shavkat Mirziyoyev. We will build free, democratic and prospering Uzbekistan with our courageous and magnanimous people. Address by Shavkat Mirziyoyev at the joint session of the Chambers of Oliy Majlis dedicated to a Solemn Ceremony of Assuming the Post of the President of the Republic of Uzbekistan / - Tashkent: Uzbekistan, 2016. – 14-p.
2. А.Н.Расулов. Туркистон халқи бағрикенглиги. -Ташкент, 2011. -монография.
3. А.А.Ерметов. Ўзбекистон ички ишлар органлари фаолияти. -Ташкент, 2018. – монография.
4. К.Фозылходжаев. Детей принимал Узбекистан.- Ташкент, 1991, 56 с.
5. А.Алматинская, А.Авдеева. Свет наших очей. -Ташкент, 1971.
6. ЎзМА Р-17 (Туркистон АССР Марказий Ижро Қўмитаси фонди).
7. ЎзМА Р-86 (Ўзбекистон ССР Марказий Ижро қўмитаси фонди).
8. ЎзМА Р-34 (Ўзбекистон ССР фонди).
9. А.Н.Расулов. Туркистон халқи бағрикенглиги. -Ташкент, 2011. -монография. 15-бет
10. А.Н.Расулов. Туркистон халқи бағрикенглиги. -Ташкент, 2011. - монография. 17-бет
11. ЎзМА, Р.17-фонд, 1-рўйхат, 398-иш, 1-2-варақ.
12. ЎзМА, Р.17-фонд, 1-рўйхат, 398-иш, 3-варақ.
13. ЎзМА, Р.17-фонд, 1-рўйхат, 368-иш, 137-варақ.
14. ЎзМА, Р.17-фонд, 1-рўйхат, 368-иш, 150-варақ.
15. ЎзМА, Р.34-фонд, 1-рўйхат, 2419-иш, 27-варақ.
16. ЎзМА, Р.17-фонд, 1-рўйхат, 1391-иш, 282-варақ.
17. ЎзМА, Р.17-фонд, 1-рўйхат, 572-иш, 10-варақ.
18. ЎзМА, Р.86-фонд, 1-рўйхат, 4400-иш, 6-варақ.
19. ЎзМА, Р.86-фонд, 1-рўйхат, 4400-иш, 7-варақ.
20. ЎзМА, Р.86-фонд, 1-рўйхат, 4400-иш, 8-варақ.